

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИНинг АЙРИМ ЖИҲАТАЛАР

Раджапова Лола Нураддиновна

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Жиноят-процессуал ҳукуки
кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7308358>

Аннотация. Уибу мақола Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари ижтимоий ҳимоясининг айрим жиҳаталарига багишланган. Ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини ташкил этишининг қонуниний асослари ёртилиган. Шунингдек, мақолада амалий қонунчиликдаги айрим бошлиқларга эътибор қаратилган.

Калим сўзлар: ички ишлар органлари, ижтимоий, ҳимоя, ёрдам, таъминлаш, қоплаш.

СОТРУДНИКИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ

Аннотация. Данная статья посвящена некоторым аспектам социальной защиты сотрудников органов внутренних дел Республики Узбекистан. В ней раскрыты правовые основы организации социальной защиты сотрудников. Также в статье акцентируется внимание на некоторых коллизиях в действующем законодательстве.

Ключевые слова: органы внутренних дел, социальная, защита, помощь, обеспечение, компенсация.

EMPLOYEES OF INTERNAL AFFAIRS OF SOCIAL PROTECTION SOME ASPECTS

Abstract. This article is devoted to some aspects of social protection of employees of internal affairs bodies of the Republic of Uzbekistan. It reveals the legal basis for the organisation of social protection of employees. Also the article focuses on some conflicts in the current legislation.

Keywords: internal affairs bodies, social, protection, assistance, provision, compensation.

КИРИШ

Ҳар қандай жамиятда, унинг барча жабҳаларида, ислоҳотлар шароитида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида кадрлар билан ишлашни ташкил этиш соҳасида ҳам ҳаётий эҳтиёжлар ва давр талабларидан келиб чиқсан ҳолда вазифалар белгилаб олинмоқда. Айтиш жоизки, ички ишлар органларида замонавий ислоҳотлар жуда жадал олиб борилмоқда. Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, инсон ҳукуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш мамлакатимизни янада ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва ошириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мақсадларига эришиш ҳуқуқий демократик давлат қуриш учун муҳим талаби сифатида қаралмоқда. Ушбу ҳаётий талабни муносиб даражада таъминлаш, айниқса, ҳукуқни муҳофаза қилиш функциясини бажаришнинг энг муҳим ва асосий омилларидан бири юксак маънавиятли кадрлар, юқори малакали мутахассислар билан таъминлашни тақозо этади .

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ички ишлар органларида хизмат қилаётган ҳар бир ходимни, у қайси соҳавий хизматда фаолият кўрсатишидан қатъий назар, осойишталик посбони дейиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ҳам шарафли, ҳам масъулиятли соҳада фаолият кўрсатаётган ходимнинг иши ҳар доим ҳам бир текисда кечавермайди.

Ички ишлар ходимлари зиммасига юклатилган вазифаларни ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам бажариши, белгиланган тартибда кучайтирилган ёки казарма ҳолатида хизмат олиб бориши, вужудга келган таҳдид ва тажовузларни бартараф этиш чоратадбирларини ваколат доирасида амалга ошириши талаб қилинади. Хизмат вақтида ўз соғлиги ва ҳаётига хавф бўлсада, жиноят содир этган ёки содир этаётган шахсни ушлаши, зарарсизлантириши, олов қаърига кириб, жабрланувчиларни қутқариши керак бўлади. Ички ишлар органлари ходими хизмат фаолиятини олиб бориш билан боғлиқ ҳолда касбий касалликка чалиниши, зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш чоғида тан жароҳати олиши, ҳатто ҳалок бўлиши ҳам мумкин.

Ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни нормаларига асосан, қуйидаги йўналишлар орқали таъминланиши белгилаб қўйилган:

- а) соғлигини сақлаш;
- б) меҳнатига ҳақ тўлаш;
- в) уй-жой майдони билан таъминлаш;
- г) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;
- д) хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида транспорт воситаларидан имтиёзли фойдаланиш;
- е) давлат пенсия таъминоти;
- з) давлат суғуртаси;
- и) ижтимоий ёрдам кўрсатиш.

Соғлиқни сақлаш. Ички ишлар органларининг ходимлари, ички ишлар органларининг пенсионерлари ҳамда уларнинг оила аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таълим муассасалари курсант (tinglovchi)лари амбулатор, стационар ва тиббий-санитария шароитида бепул тиббий хизмат олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тиббий-даволаш муассасаларига бириктирилади, уларда қонун хужжатларда белгиланган тартибда даволанади ва соғломлаштиришдан ўtkазилади.

Ички ишлар органларининг ходимлари, ҳарбий хизматчилари, пенсионерлари санаторий-курорт шароитида даволаниш учун йилига бир марта имтиёзли йўлланмалар билан таъминланади.

Ходимларнинг фарзандлари яшаётган жойдаги мактабгача таълим муассасаларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида мактабгача таълим муассасаларига ва ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига навбатсиз ва имтиёзли равишда жойлаштирилади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида мактабгача таълим муассасалари ва ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига қабул қилиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Касалликларнинг профилактикаси, беморларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва соғломлаштириш, тиббий кўриклар ва ҳарбий-тиббий экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган тиббий воситалар, буюмлар, асбоб-ускуналар, дори воситалари Ўзбекистон

Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан олинади.

Зарур ҳолларда, шошилинч тиббий ёрдам ва режали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш-профилактика муассасалари томонидан амалга оширилади.

Шуни ҳам таъкидлаш ўринники, ички ишлар органларида тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдамни ва санаторий-курорт таъминотини, тиббий текширувни ташкил этиш ва ҳарбий-тиббий экспертизани ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Мехнатга ҳақ тўлаш. Ички ишлар органлари ходимларига пул таъминотининг турлари ва миқдори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Ички ишлар органлари ходимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳамда миқдорларда пул ва озиқ-овқат таъминоти билан таъминланади. Хизмат муддати, педагогик иш стажи, шунингдек илмий унвони мавжудлиги учун ходимларга қонун ҳужжатларига мувофиқ устама ҳақлар тўланади.

Хизмат вазифаларини виҷданан бажарив келаётган, юксак касбий тайёргарлик даражасига эришган, юксак маънавий-ахлоқий хислатларга эга бўлган, шунингдек ўз фаолиятида юқори натижаларни кўрсатган ходимларга Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органлари ходимларига малака тоифасини бериш тартиби тўғрисида”ги 2018 йил 10 январь 10-сонли буйруғига асосан ҳар ойлик қўшимча тўловни назарда тутувчи “учинчи тоифа мутахассиси”, “иккинчи тоифа мутахассиси”, “биринчи тоифа мутахассиси” ва “уста” малака тоифалари берилади. Бунда лавозим маошининг жумладан, “учинчи тоифа мутахассиси” учун – 15 фоиз, “иккинчи тоифа мутахассиси” учун – 20 фоиз, “биринчи тоифа мутахассиси” учун – 30 фоиз ва “уста” малака тоифаси учун – 40 фоиз миқдорида ҳар ойлик қўшимча тўлов белгиланган.

Хизматга янги қабул қилинган ходимларга ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларининг, жумладан касбий тайёргарлик факультети битирувчиларига бириклирилган мураббийларга лавозим маошининг 20 фоизи миқдорида ҳар ойлик қўшимча тўлов белгиланади.

Ҳар чорак якунлари бўйича қуидагиларга нисбатан лавозим маошининг 50 фоизигача миқдорда бир марталик пул ушланиши ёки мукофот таъсир чораси сифатида қўлланилади:

– профилактика (катта) инспекторларига – бириклирилган худудда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни, биринчи навбатда, оғир ва ўта оғир жиноятларни барвақт олдини олиш, шунингдек жойлардаги муаммоларни ҳал этишда аҳоли билан ишлашни ташкил қилиш аҳволи учун;

– бириклирилган худудда тезкор-қидирав фаолиятни амалга оширувчи ички ишлар органлари (катта) тезкор вакилларига – оғир ва ўта оғир жиноятларни аниқлаш ва фош этиш, тергов ва суддан яширинган шахсларни қидириш аҳволи учун.

Кучайтирилган ёки суткалик режим жорий этилиши муносабати билан иш соатлари (кунлари)нинг белгиланган нормалари оширилганлиги эвазига ходимга Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланган тартибда пул компенсацияси тўланади ёки дам олиш кунлари берилади ёхуд бу кунлар унинг ҳар йилги асосий таътилига қўшилади.

Уй-жой майдони билан таъминлаш. Уй-жой олишга ва уй-жой шароитларини

яхшилашга муҳтож деб топилган ички ишлар органлари ходимлари белгиланган тартибда уй-жой майдони олиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун ҳам ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ички ишлар органларида меҳнат шароитларини яхшилаш мақсадида хизмат уй-жой фондига эга бўлиши амалдаги қонун хужжатларда алоҳида кўрсатиб ўтилган .

Ички ишлар органлари ходимларига турар жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган тартибда ва миқдорларда пуллик компенсация тўланади.

Ички ишлар органлари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда узоқ муддатли, имтиёзли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиralар олиш ва якка тартибда уйлар қуриш учун ер участкалари олиш ҳуқуки берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 июнданги “Ички ишлар органлари ходимларининг турар жой шароитларини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-444-сон Қарорига асосан ички ишлар органларининг алоҳида ўрнак кўрсатган, юксак профессионализм даражасини намоён қилаётган, ҳуқуқбузарликларга қарши курашга салмоқли хисса қўшаётган ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланадиган ходимлари учун қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойлар қуриш дастури ва шаҳарларда арzon кўп хонадонли уйлар қуриш ва реконструкция қилиш дастури, шунингдек турар жойлар барпо этишнинг бошқа дастурлари доирасида арzon кўп хонадонли уйлардан хонадонлар сотиб олиш учун тижорат банкларининг узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари навбатдан ташқари тартибда берилади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу арzon кўп хонадонли уйлардан хонадон сотиб олиш учун ходимларнинг дастлабки бадалларни белгиланган миқдорларда тўлаши учун уларга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига қайтариш асосида беш йил муддатга фоизсиз узоқ муддатли қарзлар берилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторларини хизмат уй-жойи билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2906-сон Қарорига асосан, профилактика инспекторларининг мавқеийини ошириш ва хизматни самарали ўташини таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторларини коммунал-маиший шароитларга эга бўлган, замонавий талаблар ва стандартларга жавоб берадиган қулай хизмат уй-жойи билан таъминланади. Ушбу уй-жойлар профилактика инспектори бевосита хизмат кўрсатадиган худудда (маҳаллада) бўлиши белгиланган.

Мол-мулкига етказилган заарнинг ўрнини қоплаш. Ички ишлар органи ходимининг ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига унинг хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган заарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлиқ ҳажмда қопланади, ушбу сумма кейинчалик айбор шахслардан ундириб олинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 апрелдаги “Ички ишлар органи ходимининг ёки унинг яқин қариндошлари мол-

мулкига унинг хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 234-сонли Қарорига асосан, ички ишлар органи ходими ёки унинг яқин қариндошларининг (отаоналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил-қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг отаоналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) мол-мулкига унинг хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби белгиланган. Етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни ўрганиш бўйича ички ишлар органларида қонун хужжатларида белгиланган тартибда доимий комиссиялар тузилади .

Етказилган зарарнинг ҳақиқий суммасини аниқлаш, ички ишлар органи томонидан баҳолаш ташкилотини жалб қилган ҳолда, мол-мулкига заар етказилган шахснинг иштироқида амалга оширилади. Етказилган заар суммаси зарарни қоплаш вақтида амал қилаётган бозор нархларидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади. Ҳисоб-китоблар нақд ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Зарар натура шаклида, тенг мулкни бериш, шикастланганини таъмирлаш ёки бошқа кўринишларда қопланиши мумкин. Шунингдек, мазкур тўловлар ички ишлар органларининг молия хизматлари томонидан амалга оширилади.

Хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида транспорт воситаларидан имтиёзли фойдаланиш. Ички ишлар органлари маҳсус автотранспорт воситалари, шу жумладан ички ишлар органларига тегишлиликни билдирувчи маҳсус ёруғлик сигналларига ва товушли сигналларга, бўёқли рангли графика схемасига эга маҳсус автотранспорт воситалари, шунингдек бошқа маҳсус воситалар билан таъминланади.

Мехнатнинг қатнов хусусияти билан боғлиқ бўлган хизмат мажбуриятларини бажарувчи ички ишлар органлари ходимларига шаҳар йўловчи транспортидан (маршрутли ва линияли таксилардан ташқари) фойдаланиш учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда ойлик йўл чипталари ёки пуллик компенсация тўланади.

Хизмат сафарига юборилган ички ишлар органлари ходимларига транспортнинг барча турларига йўл хужжатларини сафар гувоҳномасини кўрсатиб навбатсиз олиш ҳуқуқи берилади.

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ қўйидаги ҳолларда ташкилотларнинг ёки фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тартибда фойдаланиши мумкин:

- табиий офат ёки фавқулодда ҳолат юз берган жойга боришда;
- шошилинч тиббий ёрдамга муҳтоҷ фуқароларни тиббий муассасаларга олиб боришда;
- жиноят содир этган шахсларни таъқиб қилиш ва ички ишлар органларига олиб келишда;
- ҳодиса жойига ёки ички ишлар органларининг шахсий таркибини жанговар тревога бўйича тўплаш жойига боришда.

Ушбу ҳолатларда транспорт воситалари ҳайдовчилари ички ишлар органи ходимининг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланиш талабига бўйсуниши шарт ва ходимдан ходимни идентификацияловчи хужжатни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ички ишлар органлари томонидан транспорт воситаларидан фойдаланилганда,

транспорт воситасининг эгасига ходим транспорт воситасидан фойдаланилганлик фактини тасдиқловчи идентификацияловчи ҳужжат берилиши шарт.

Ички ишлар органи томонидан транспорт воситасидан фойдаланилгандан кейин қилинган харажатлар ёки етказилган заарнинг ўрнини қоплаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 апрелдаги 235-сон Қарори билан тасдиқланган низом талаблари асосида амалга оширилади .

Давлат пенсия таъминоти. Ички ишлар органлари ходимлари, боқувчисини йўқотган тақдирда эса уларнинг оила аъзолари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда давлат пенсия таъминотини олиш ҳуқуқига эга.

Ходимнинг хизмат муддати календарь ҳисобда йигирма йилга етганидан сўнг, ўтаган хизмат муддати учун пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва хорижий давлатлар олий таълим муассасаларида (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги халқаро шартномаларга мувофиқ), Ўзбекистон Республикасининг олий-ҳарбий таълим муассасаларида ўқиш, Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизмат ёки сафарбарлик чақирув резервидаги хизматни ўташ даврлари киради.

Ушбу ҳолда ходимга пенсия тайинлашда унинг календарь тарзда ҳисобланадиган хизмат муддатига қонун ҳужжатларида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон қарорига асосан белгиланган имтиёзли ҳисобланадиган хизмат муддати қўшилади.

Ички ишлар органларида хизмат ўтаётган, шу жумладан кадрлар захирасида бўлган ходимларга хизмат муддати, агар қонун ҳужжатларда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, имтиёзли равишда бир куни бир ярим кунга тенглаштириб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқа хорижий давлатлар (Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро шартномаларга мувофиқ юборилган тақдирда) олий таълим муассасаларида ўқиш даври бир куни бир кунга ҳисоблаган ҳолда хизмат муддатига қўшилади.

Алоҳида даврда жамоат тартибини сақлашда, террорчиликка қарши операциялар ўтказишида, фавқулодда ҳолат тартибини ҳуқуқий таъминлаш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишда иштирок этган, шунингдек ушбу ҳаракатларда иштирок этиши давомида олган ярадорлиги, контузияси ва жароҳатланганлиги оқибатида тиббий муассасада бўлган ходимлар ушбу даврдаги хизмат муддати бир куни уч кунга тенглаштирилиб ҳисобланади.

Ходимларнинг алоҳида даврда жамоат тартибини сақлашда, террорчиликка қарши операцияларда, фавқулодда ҳолат режимини ҳуқуқий таъминлашда ва унинг оқибатларини бартараф этишда иштирок этганлиги ва муддатлари ҳақида ваколатли бошлиқ буйруқ чиқаради, буйруқдан кўчирма уларнинг шахсий ҳужжатлари йифма жилдларига қўшилади.

Пенсия олиш ҳуқуқини берувчи хизмат муддатини ўтамаган (хизматда бўлишнинг белгиланган чегара ёшига тўлганлиги, ташкилий-штат ўзгаришлари, касаллиги, ҳарбий-тиббий комиссиянинг хизматга яроқсизлиги тўғрисидаги хulosasi асосида, соғлигининг чекланганлиги ҳолати – ҳарбий-тиббий комиссиянинг ички ишлар органларидағи

хизматга яроқлилиги чекланганлиги тўғрисидаги ва хизмат бўйича бошқа лавозимга ўтказиш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, эгаллаб турган лавозимига мувофиқ хизмат мажбуриятларини бажара олмаслиги ҳақидаги хуносаси асосида), хизматдан бўшатилаётган ходимлар бўшаш кунида умумий иш стажи йигирма беш ва ундан ортиқ йилни ташкил этган, улардан камида ўн икки йилу олти ойи ичкни ишлар органлари хизматига тўғри келганда пенсия олиш хуқуқига эга бўлади .

Хизматдан бўшатилаётган ходимларга бир марта тўланадиган нафақа пули берилади. Шунингдек, хизматдан бўшатилаётган ходимлар кўп йиллик ва вижданон (бенуқсон) хизматлари учун ваколатли раҳбарлар томонидан қимматбаҳо совға ёки пул мукофоти билан тақдирланиши мумкин.

Давлат суғуртаси. Ички ишлар органларининг ходимлари хизматга қабул қилинган кунидан бошлаб ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан давлат томонидан мажбурий суғурта қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган ходимларга, шунингдек ҳалок бўлганларнинг оиласига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибида ва миқдорда бир марталик нафақа тайинлашга ҳақли.

Ички ишлар органлари ходими, ҳарбий хизматчиси ва Вазирлик тизимиға кирувчи таълим муассасаларида таҳсил олаётган курсант ва тингловчилар хизмат мажбуриятларини бажараётган вақтда ҳалок бўлганда унинг оила аъзоларига марҳумнинг ойлик маошининг 100 бараваригача бўлган миқдорда нафақа тайинланади.

Бундан ташқари, Ички ишлар вазирлиги тизимиға кирувчи таълим муассасаларида таҳсил олаётган курсант ва тингловчиларга хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати етказилганда ёки ҳалок бўлганда юқорида кўрсатиб ўтилган миқдорлarda стипендия ва эга бўлган маҳсус (ҳарбий) унвон маоши йифиндиси миқдоридан келиб чиқиб нафақа ҳисобланади.

Хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати етказилган ходимларга ёки ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига нафақа расмийлаштириш, тайинлаш, тўлаш шартлари, шунингдек нафақани расмийлаштириш бўйича ишларни назорат қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 июлдаги 452-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати етказилган ходимларга ёки ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига бир марталик нафақа тайинлаш тартиби тўғрисида”ги Низом билан белгиланган.

Ходимлар, боқувчисини йўқотганда эса уларнинг оила аъзолари қонунда белгиланган тартибида ва миқдорда давлат пенсия таъминоти олиш хуқуқига эга.

Ижтимоий ёрдам кўрсатиш. Қонун хужжатларида хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ички ишлар органлари ходимларининг фарзандларига уларни ички ишлар органларидағи хизматга қабул қилишда ва Ўзбекистон Республикасининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишда афзалликлар берилиши мумкин.

МУҲОКАМА

Демак, ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий-хуқуқий ҳимоясини

ташкил этиш бўйича фаолият уларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш даражасини оширишга қаратилган бўлиши лозим. Шунингдек, ички ишлар органлари ходимларининг ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган чоратадбирларни ишлаб чиқиши орқали ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга қаратилади. Ходимнинг ўлими, хизмат вазифаларини бажариш чоғида шикастланиши ва жароҳатланиши, шунингдек ички ишлар органлари ходимларининг меҳнат, дам олиш ва уй-жой шароитларини таъминлашларини ўз ичига олади. .

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистон Республикаси амалий қонунчилигига ички ишлар органлари ходимларини давлат томонидан ҳимоя қилиш концепциясини шакллантирадиган қонун устуворлиги мавжуд эмас. Ушбу тоифадаги давлат муҳофазасининг мазмуни ошкор этилмаган. Бундан ташқари, норматив ҳужжатларда давлатнинг ички ишлар органлари ходимларини ҳимоя қилиш мажбурияти алоҳида шакллантирилмаган.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича амалдаги қонун ҳужжатларини муайян қоидаларни кўрсатган ҳолда якунлаш зарур. Шу билан бирга, бугунги кунда ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар соҳанинг самарали фаолият кўрсатиши учун хизмат қилиб келмоқда.

REFERENCES

1. Окюлов Н.О. Отдельные аспекты рассмотрения задач организации работы с кадрами в органах внутренних дел Республики Узбекистан в условиях реформирования // Право и государство: теория и практика. – 2019. – С. 116-119.;
2. Чернышова Л.В. Некоторые аспекты проблемы реформирования системы социальной защиты сотрудников органов внутренних дел // Проблемы в российском законодательстве. Юридический журнал. – 2014. – Т. 6. – С. 245-247.;
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 438-модда;
4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2019 й., 09/19/865/3908-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.02.2022 й., 07/22/126/0125-сон;
5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 292-модда;
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 298-модда;
7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 298-модда;
8. Поздышов А.Н., Арзуманян А.А. Некоторые аспекты исследования и совершенствования правовых и организационных основ социального обеспечения и социальной защиты сотрудников полиции // Наука и образование: хозяйство и экономика; предпринимательство; право и управление. – 2018. – Т. 3. – №. 94. – С. 52-55.;
9. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 27-сон, 617-модда.;
10. Суворова А.Д. Социальная защита сотрудников органов внутренних дел // Инновационная наука. ISSN 2410-6070. – 2021. – Т. 6. – С. 154-156.